



2016 у.г. « 4 » январь

№ 3-Қ

Самарқанд ш., – г. Самарқанд

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 декабрдаги ПҚ-2456-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 декабрдаги ПҚ-2456-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОП ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 декабрдаги ПҚ-2456-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маскур қарори билан:

чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2016 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши;

муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олиниши;

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2016 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят Мудофаа ишлари ва вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга қақирилган фуқароларни қўшинларга таптанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

Вилоят ҳокимининг
2016 йил "4" январдаги
3 -Қ-сонли қарорига
илова

**Вилоят қақирув комиссиясининг
ТАРКИБИ**

- Худжаёров Х.Г. - вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси
- Тошев К.И. - вилоят ҳокимлиги Сафарбарлик тайёргарлиги бўлими бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
- Муқимов Н.П. - вилоят Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
- Жумаева С.О. - вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси қотибияти мудир
- Қамолов Х.Н. - вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар гуруҳи етакчи мутахассиси
- Толибов А.М. - вилоят Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи
- Юлдашев Ш. - “Маҳалла хайрия жамоат фонди” вилоят бўлими раиси
- Нормуродов Х.Н. - “Нуроний” жамгармаси вилоят бўлими раиси
- Асланов А. - “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Қенгаши раиси
- Исроилов Э.Х. - Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг Самарқанд вилоятидаги доимий вақили
- Лавозими бўйича - Вилоят доимий тиббий-қақирув комиссиясининг қатта ҳамшираси, комиссия қотиби

Изоҳ: Вилоят қақирув комиссияси таркибидаги мансабдор шахсларнинг эгаллаб турган вазифалари ўзгарган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган раҳбарлар хизмат лавозими бўйича комиссия аъзоси ҳисобланади.

4. Вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Игамбердиев) вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (Н.Муқимов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминлаб, чақирилувчиларнинг сифатли, ҳар томонлама ва ҳолисона тиббий кўриқдан ўтказилишини, чақирув комиссияларининг ишига турли ихтисосликка эга бўлган юқори малакали врачлар жалб этилишини, муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этсин.

5. Вилоят ҳокимлиги ҳузурида фуқароларни 2016 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақириш бўйича вилоят комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вилоят ташкилотлари, корхоналари, муассасалари раҳбарлари белгиланган шахсларни чақирув бўйича мажбуриятларини бажаришлари даврида уларнинг тула иш ҳақлари ва эгаллаган лавозимларини сақлаган ҳолда йигин пунктига келишларини таъминласинлар.

7. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ф.Қувондиқов)га чақирув даврида:

вилоят йигин пунктида жамоат тартибини сақлаш;

чақирилувчилар олиб кетилаётган автокарвонларни йўл патруль хизмати нарядлари билан жўнатиш ва жойларигача кузатиб бориш;

умумий ҳарбий мажбуриятдан бўйин товловчиларни қидириб топиш вазифаси топширилсин.

8. Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси (А.Каримов)га:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташкилотлар ва корхоналар, шунингдек сафарбарлик чақируви резервига ва муқобил хизматга олинган фуқаролар томонидан молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш;

мудофаа ишларига ажратилган маблағ доирасида вилоят йигин пунктини таъмирлаш ҳамда чақирув давомида чақирилувчиларни ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари учун маблағ ажратиш юклатилсин.

9. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими (И.Ҳамроев)га вилоят Мудофаа ишлари бошқармасининг талабномасига мувофиқ чақирув даврига керакли автотранспорт воситаларини ажратиш топширилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг Самарқанд вилоятидаги доимий вакили (Э.Исроилов) вилоят Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси (Н.Муқимов) билан биргаликда вилоятдаги муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчиларнинг билим даражасини текшириш мақсадида тест синовларини ўтказсин.

11. Вилоят ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси (К.Мизамов)га вилоят йигин пунктида бадий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишларини ташкил этиш топширилсин.

12. Вилоят Давлат санитария эпидемиология назорат маркази (О.Бойқобилов)га вилоят йигин пунктининг чақириққа тайёргарлигини текшириш ва санитария ҳолати устидан доимий назорат ўрнатиш юклатилсин.

13. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги (А.Шукуров)га вилоят йигин пункти ва унинг атрофида тозалик ва тартиб урнатиш, кўчаларни тунда ёритилишини таъминлаш ҳамда йигин пункти атрофида кузатувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш юклатилсин.

14. "Самарқанд электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти (Ғ.Примов)га вилоят йигин пунктидаги электр тармоқларини таъмирлаш ва узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш юклатилсин.

15. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига:

2016 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақириш бўйича комиссиялар тузиш;

маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олишни ташкил этиш;

фуқароларни ташкилий равишда муддатли ҳарбий хизматга жунатилишини ташкил қилиш ва керакли миқдорда транспорт воситаларини ажратиш;

ҳарбий хизматга қақирилганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш мақсадида уларга берилган қонуний имтиёздан тўлиқ фойдаланишларини таъминлаш вазифалари топширилсин.

16. Вилоят ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси (А.Усмонов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатишган фуқароларни уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистан Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган захираси ҳисобланган шахслар сифатида устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

17. Вилоят Телерадиокомпанияси (Ғ.Тўраев), вилоят ҳокимлиги Матбуот ва ахборот бошқармаси (Н.Турдибоев)га ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга қақирлишнинг амалга оширилишини, қақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик қақирuvi резервида хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия қилинсин.

18. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 январдаги 24-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Ушбу қарорнинг бақарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Худжаёров зиммасига юклатилсин.